

# INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 4 2021

BOLTABAEV BAKHTIYOR  
SABIRJONOVICH



[bboltabayev@gmail.com](mailto:bboltabayev@gmail.com)

NAMANGAN STATE  
UNIVERSITY  
THE DEPARTMENT OF  
ARCHIVAL STUDIES IS A  
SENIOR TEACHER

ELECTORAL SYSTEM IN LOCAL AND SELF-GOVERNMENTAL  
BODIES OF TURKESTAN

ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ СИСТЕМА В МЕСТНЫХ И  
САМОУПРАВЛЯЕМЫХ ОРГАНАХ ТУРКЕСТАНА

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ  
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА САЙЛОВ ТИЗИМИ

**Annotation:** In this article, the order of formation of local population and self-government bodies after the colonization of Turkestan by the Russian Empire, their electoral system, the regulations on the management of Turkestan, a set of laws the issue of introduction is expressed. In addition, the rules of the election, the formation of the voter list, the responsibilities of the elected after the election, the injustice of the election.

**Key words:** Electoral system, system and projects, elections of aksakals, parliamentary elections, governing bodies. electoral system in villages.

**Аннотация:** В статье изложен порядок формирования местного населения и органов самоуправления после колонизации Туркестана в Российской империи, их избирательная система, положение об управлении Туркестана, свод законов, вопрос о введении. Кроме того, правила выборов, формирование списка избирателей, обязанности избранных после выборов, несправедливость выборов.

**Ключевые слова:** избирательная система, система и проекты, выборы аксакалов, парламентские выборы, органы управления. Избирательная система в селах.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантирилгандан сўнг маҳаллий аҳоли ва ўз ўзини бошқариш органларини тузиш тартиби, улардаги сайлов тизими, Туркистон ўлкасини бошқариш тұғрисидаги низом, конунлар түплемини жорий этиш масаласи ифодаланган. Бундан ташқари сайловларни ўтказиш қонун қоидалари, сайловчилар рўйхатини шакллантириш, сайланган шахсларни сайловдан сўнг унинг олдига кўйилган вазифалари, сайловлардаги адолатсизликлар ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** сайлов тизими, низом ва лойихалар, оқсоқоллик сайлови, депутатлик сайловлари, қуий бошқарув органлари. қишлоқлардаги сайлов тизими.

# **INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039**

**<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>**

**Vol 1, Issue 4 2021**

## **- Кириш (Introduction).**

Россия империяси босиб олинган худудларда ўз хукмронлигини ўрнатиш ва бошқариш учун мустамлакачиларнинг манфаатларини ҳимоя қиласиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий этиш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб туради. Россия хукуматининг Туркистон ўлкаси учун 1865–1916 йиллар оралиғида ишлаб чиқган ҳамда амалга татбиқ этилган ўнта қонун лойиҳалари (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар) да ва уларнинг моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгаришларда ана шу ҳолат ўз аксини топган.

## **- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).**

1867 йилги “Низом” лойиҳасида Туркистон ўлкасининг Россия ҳарбий вазирлиги таркибида бўлиши, ўлка ҳарбий ҳокимият орқали бошқарилиши, генерал-губернатор ўлкада жойлашган қўшинга қўймондонлик қилиши, бошқарувнинг қўйи бўғинига ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши, ўлка бошқарувини Россия империясидаги мавжуд бошқарув тизимига яқинлаштириб, кейинчалик ўлкани империянинг ажралмас бир қисмига айлантириш керак эди [1. Эшов Б. Ўзбек давлатчилиги ва бошқаруви тарихи Т. : 2012 Б 373 ].

Ўлкани идора этиш низомига кўра энг қўйи бўғинга ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши керак бўлган. Қишлоқ оқсоқоллари 3 йил муддатга сайланади. Мазкур сайловда уй бекалари, бевалар ва ҳамма иштирок этиши керак. Сайлов тартибларига кўра сайлов участкасига 20 ёшдан кичик бўлганлар киритилмайди. Оқсоқоллика номзод эса 25 ёшдан кам бўлмаслиги лозим ҳисобланади. Оқсоқолликка номзодлар 100 лик 10 лик қишлоқ (мирзолари) котиблари ва чёрков сокчиларидан олинади. Қишлоқ оқсоқоли йилига 50 рублдан – 300 рублгача маош олган. Номзоди қўйилганлар то сайлангунга қадар бепул хизмат қилганлар. Қишлоқ (мирзолари) котиблари 150 рублдан – 500 рублгача маош олганлар. Ўша вақтда кам сонли қариялардан озроқ киши номзодини қўйиб, рўйхатдан ўтган. Мажлис иштирокчиларидан ярмидан кўпи номзодни ёқлаб овоз берадиган бўлса, у ҳақиқатдан ҳам сайланган ҳисобланади. Барча ишлар овоз бериш йўли билан амалга оширилган [2. ЎзР.МДА 1 фонд. 27-рўйхат 174 иш. 13 в].

Ўлканинг барча худудларини идора этиш низом ва қонун қоидалар асосида амалга оширилди. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомнинг 68 моддасига асосан 1886 йил 12 июндан бошлаб Янги Марғilonda хўжалик ва ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш белгиланган. Маркур буйруқ асосида ушбу ишни бажариш 1887 йил 1 январдан Марғilon уезди бошлиғи зиммасига юклатилди ва шу йили депутатлар ва шаҳар аҳолиси иштирокида Янги Марғilonда сайлов ўtkazilgan [3. ЎзР.МДА 19 фонд. 1-рўйхат 23659 иш. 15 в].

1888- йилнинг 26 октябрида Марғilon уезди бошлиғи хўжалик бошқарувчиси сифатида эълон қилинди, шу йилнинг 21 ноябрь куни Фарғона вилоят бошқармасида депутатлик сайловларини ўtkaziшда хўжалик иши бошқарувчисининг иштироки зарур бўлиши таъкидланди.

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND  
SOCIAL SCIENCES**

**ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039**

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

**Vol 1, Issue 4 2021**

**Сайловчилар рўйхати шакллантириш ва сайлов кунини ўтказиш қуидаги  
тартибда амалга оширилган**

1) Шаҳарда яшовчилар сайловга эълон берилган кундан бошлаб 2 ҳафта мобайнида рўйхатдаги мавжуд камчиликлар юзасидан ўз эътиrozларини билдиришлари мумкин.

2) Шаҳарлик депутатлар бошқа депутатларга ўз овозларини беришлари мумкин, агар у рус фуқороси бўлса:

А) 25 ёшдан кам бўлмаган тақдирда Б) шаҳарда у ўз кўчмас мулкига эга бўлса ва шаҳар учун тўланадиган солиқлар гувоҳномаси бўлган тақдирда. В) савдо саноат, кичик савдо сотик, 1-чи даражали ишлаб чиқариш муассасалари бўлган тақдирда рухсат берилган.

Сайловда овоз бериш жараёнида қуидаги шахслар ўз имтиёzlаридан фойдаланиш хуқуқига эга эмас. Вилоят бошқармаси аъзолигида фаолият олиб бораётган шахслар, маҳаллий полиция амалдорлари:

Овоз бериш хуқуқига қуидагилар эга эмас эди:

А) шаҳар судининг 169–177 моддалари билан судланган шахслар, яъни қилмиши учун суд томонидан жазолангандан ва ҳақ-хуқуқлари чегаралангандар. Б) Хизмат вазифасидан бўшатилгандар В) Жиноий ишлари учун терговда бўлган шахслар Г) Солиқлардан ва бошқа турдаги қарздорлиги бўлган шахслар Д) Маънавий қиёфасини йўқотганлар овоз бериш хуқуқига эга эмаслар. Номзодлар рўйхатидан кўришимиз мумкинни маҳаллий аҳолидан номзодини қўйганлар сони 41 та қолган 73 нафари бошқа миллат вакиллари хисобланади. [4.ЎзР.МДА 19 фонд. 1-рўйхат 23659 иш. 133 в].

Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашни биринчи даражали вазифа хисоблангани учун ҳам бошқарув соҳасида дастлаб катта ўзгаришларни амалга оширилган. Юқори органлар назоратида бўлган қуий бошқарув органлари, солиқ тизими сақлаб қолинган. Қуий бошқарувнинг дастлаб сақланиб қолинишига асосий сабаб маҳаллий аҳолининг ички ҳаётига дастлабки даврда кескин аралashiш ва аҳолининг турмуш тарзига катта ўзгаришлар киритиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. [5. Тиллабоев С. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида) Тарих фан.ном. дисс. – Тошкент, 2006].

Мазкур ҳолатда қуий бошқарув органларига маҳаллий аҳоли вакилларида сайлаганлар. Масалан, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори 1878 йил 25 августда ариқ оқсоқоли лавозимида фаолият олиб борган Бердибаевга 3-даражали олий мартабали мукофот ёрлиғи берилди. Берилган топширикларни ариқ оқсоқоли 4 йил ичида ўз вақтида, сидқидилдан ва тўлиқ бажарган, бундан ташқари фаолияти давомида судланмаган. Мактубда ёзилишича ҳарбий губернатор менга мурожаат қилдики шаҳар ҳудудларини қисқартирмасликни 3-даражали ариқ оқсоқолига Тошкент шахридаги Мулла Мухсин Юсуф Карим Бердибаевга 4 йил муддат ичида яхши ишлагани вижданли ва ишларни ғайрат билан бажаргани учун масъулиятли, ҳақиқий лавозимига содик деб топилди. Олий мартабали олий даражадаги мукофот ёрлигини хурматли Мулла Мухсин Юсуф Карим Бердибаевга тақдим этиш камтарона меҳнатларини юксак даражада белгиланди [6.ЎзР.МДА 1 фонд. 1-рўйхат 469 иш. 1 в].

Фикримизнинг далили сифатида рус ҳарбийларининг қуий ёрдамчи вазифасига маҳаллий аҳолидан сайланган. Бизнинг изланишларимиздан келиб чиқиб ўтган жумада содир этилган ўғрилик ва бошқа безориликларни бартараф этиш учун Тошкент шаҳри аҳолисидан комиссия аъзолари тузилди, мазкур комиссия аъзолиги таркибига халқни умидидаги инсонни кўрсатиш,

# **INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039**

**<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>**

**Vol 1, Issue 4 2021**

кайсики бизнинг фикримиз билан қизиқадиган инсонларни бу масъулиятли лавозимни эгаллашини таъминланди, биз уларга ҳурмат билан миннатдорчилек билдиридик.

Унинг буйруғига кўра, бирор нарса ҳақида ҳабар бериш имконияти бор, умумий маслаҳат қилиб биз бир якуний қарорга келдик ва қўрбоши Нодир Магомет Исмоил Ҳоджаевни тайинладик ва унга 4 та отлик элликбоши, ҳар бир отлик қисм Тошкент шаҳрига, 8 отлик аскарлар эса 10 ликларга ва 68 та одам 5 миршабларга текширувчи этиб тайинланган. Бу одамлар Тошкент шаҳрида доимий тунги қўриқлаш ишларини олиб борганлар, улар ҳаммани назоратга олишлари керак бўлган, шаҳарда бирор воқеа содир бўлса у иш юзасидан суриштирув ишлари ўтказилган, кўчаларни қўриқчилар билан тўсиб қўйишган, ким бўлишидан қатъий назар ёлғон ахборот берганлиги учун қоидаларга кўра қозиларга суд қилиш учун топширилган ва уларни ишлари шариат асосида кўриб чиқилган.

## **- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).**

Қўрбоши бундай турдаги тайинланган вазиятдан келиб чиқиб 1200 рубль миқдорида бир йилга, ҳар бир аскар элликбошига йилига 300 рублдан, 8 отлиқларнинг аскарлари 10 ликларига эса 180 рублдан, 68 та миршабларга 120 рублдан ҳар бирига йилига тўлаб берилган. Қонун асосида тайинланган отлиқларни ва миршабларни қўрбоши тақдим этган [7. ЎзР.МДА 1 фонд. 1-рўйхат 2396 иш. 1 в].

Ўша даврдаги 4 та шаҳарни ривожлантиришга оқсоқолларга ҳар бирига 15 тадан аскарлар берилган, умумий 60 та аскарлар мавжуд бўлган, улар ҳар ойда 15 рублдан ҳақ олганлар. Ўша вактда давлатга хизмат қилган вактларида бирорта бир маҳаллий аҳоли вакиллари хизмат вазифасини тақомиллаштириш учун ариза билан мурожаат қилмаганлар, шунинг учун биз тақомиллаштиришимиз керак, шунинг учун биз буни оқсоқолларни ихтиёрида 40 талик аскарларни ўрнига 5 талик йигитлар қолдирилди, охирги олинганд шикоятларга асосан зарарни тўлдириш учун 60 та миршаб бўлиши шарт эмас, янги тайинланган қўрбоши бизга ҳабар бердики (барча камчиликларни тўлдириш учун Тошкент шаҳрида одамларнинг сонидан келиб чиқиб тунги навабатчиликни бўлиб қўйиш орқали тўлдирилган). [8. ЎзР.МДА 1 фонд. 1-рўйхат 2396 иш. 1 в].

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)**

1. Эшов Б. Ўзбек давлатчилиги ва бошқаруви тарихи Т. : 2012 Б 373 ].
2. ЎзР МДА 1 фонд. 27-рўйхат 174 иш. 13 в].
3. ЎзР МДА 19 фонд. 1-рўйхат 23659 иш. 15 в].
4. ЎзР МДА 19 фонд. 1-рўйхат 23659 иш. 133 в].
5. Тиллабоев С. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг мамурий худудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларини иштироки . (Фарғона вилояти мисолида) Тарих фан.ном. дисс. – Тошкент., 2006;
6. ЎзР МДА 1 фонд. 1-рўйхат 469 иш. 1 в.
7. ЎзР МДА 1 фонд. 1-рўйхат 2396 иш. 1 в.
  8. ЎзР МДА 1 фонд. 1-рўйхат 2396 иш. 2 в].

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>